



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 йил «30» май

559-14-0-Q/22

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 13 майдаги VI-62-119-14-0-K/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сонли ва 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-112-сонли қарорлари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 13 майдаги VI-62-119-14-0-K/22-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги туризм, маданий мерос, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича мажмуасининг 2022 йил 27 майдаги 20-448-сонли мурожаатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 13 майдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-62-119-14-0-K/22-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбалари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-112-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрида ички туризмни янада ривожлантириш, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг маданий дам олишини, шунингдек, бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида 2022 йил фестиваллар календарь режасига мувофиқ 2022 йил май-август ойларида Тошкент шаҳрида “Gullar festivali”, “Opera festivali”, “Art month”, “Food fest”, “Music fest” ва “Ice cream fest” тадбирларини ўтказиш учун 18 220,0 млн. сўм белгиланган бўлиб, ҳозирда дастлабки ишларни бошлаш учун 50 фоизи миқдорида, яъни 9 110,0 млн. (тўққиз миллиард бир юз ўн миллион) сўм маблағлар ажратилганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармасига Республика бюджетининг жорий йил биринчи чорак даромадлари режаси ошириб бажарилган қўшимча манбасининг Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига ажратилган қисми ҳисобидан қисман “Gullar festivali” тадбири учун 700,0 млн. (етти юз миллион) сўм, “Art month” фестивали учун 350,0 млн. (уч юз эллик миллион) сўм ҳамда “Food fest” фестивали учун 950,0 млн. (тўққиз юз эллик миллион) сўм, жами 2 000,0 млн. (икки миллиард) сўм маблағ тақсимлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Х.Шакиров, Ф.Давруков):

тақсимланган маблағлар ижроси бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳисобот киритилсин.

4. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси (А.Сахиев):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда мақсадли сарфланиши таъминлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент

шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Х.Шакиров ва Ф.Давруков зиммаларига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.